ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

MAHALLA

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «МАҲАЛЛА» жамғармасининг нашри

№ 22 (249) | 2001 йил 30 май, чоршанба | Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган | Сотувда эркин нархда

Мамлакатимизда ўзини ўзи бошқариш органларига бўлаётган сайловлар давом этмоқда

Тошкент шаҳри

ИШИНГ ҲАЛОЛ БЎЛСА...

Ҳамза туманидаги Аҳмаджон Назаров номли маҳалла аҳли бир неча йилдирки ўз маҳалласи ҳаётига оид кўнгилли янгиликлар оғушида яшамоқда. Маҳалла ободлиги, аҳоли ҳаёт тарзи, маънавий ҳаётига ўзгаришлар ҳеч кимни бефарқ қолдираётгани йўқ.

Булар самараси ўлароқ маҳалла фуқаролар йиғини раисининг Республика Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқарувининг «Энг тадбиркор маҳалла оқсоқоли» унвонига сазовор бўлиши, ушбу йилда эса «Энг обод маҳалла» деб тан олиниши маҳалла аҳлини қувонтирмай қўймайди. Бу ютуқлар ортида оқсоқол Собир ҳожи Комиловнинг ва унинг атрофидаги фаолларининг самарали фаолияти ётганлигини эса маҳалланинг ҳатто ёш ғўдаги ҳам билади.

Ошинг ҳалол бўлса, кўчада е, деган нақл бор. Маҳалла фаоллари ҳам оқсоқол ва унинг маслаҳатчилари сайловини очиқ овоз билан маҳаллада оқсоқол ташаббуси ва маблағи билан яқинда қуриб битказилган спорт мажмуасида ўтказишга қарор қилишди. Одамлар эса худди футбол тамошасига келаётгандек ёғилиб келди. Негаки, маҳаллада бўлаётган кўнгилли ишларни эшитиш, оқсоқолни яна қайтадан сайлаш иштиёқи одамларни тинч қўймаётган эди. Сайловда унга муқобил тарзда номзоди кўрсатилган маҳалла фаолларидан бири шундай деди:

- Мен оқсоқол Собир ҳожи Комиловнинг ёнида туриб ишлаш учун тайёрман, фақат унинг ўрнида туриб эмас. Чунки унинг қилаётган ишлари ҳали бери унга муқобил киши йўқлигининг бир белгисидир.

Сўзга чиқувчиларнинг кети узилмади. Ҳамманинг фикри битта: Собир ҳожи оқсоқол бўлсин, унинг ҳаққига дуо қилайлик.

Мен стадионга кираверишда гул тутганларни кўргандим. Улар Собир акага аталган эди. Қани энди ҳар бир оқсоқол ҳам худди шундай эл хизматига ва ардоғига кирса.

ЯНГИ НОМЗОДНИНГ ДАСТУРИ ЯХШИ, АММО АМАЛДАГИСИ БОШҚА-ДА

Мирзо Улуғбек тумани Фирдавсий номли маҳаллада бўладиган сайловда қатнашиш учун маҳалла идорасини излаб борар эканмиз, ишимиз осон бўлсин деб кўчада кетаётганлардан сўрадик.

- Сайловга бўлса, юринг биз ҳам бораяпмиз, - дея йўл бошлади 5-6 одам. Шубҳасиз, одамларни гапга солдик.

- Номзодлар кўпдир...

- Бўлса бордир, аммо биз Масариддин акани сайлаймиз.

- Нега?

- Нега, бўларди. Сабаби у одамлар билан ишлашни билади.

Хуллас, биз кўпчиликдан сўраб-суриштириб оқсоқол Масариддин Холмуродов ҳақида фақат илиқ гапларни эшитдик...

Сайловни ишчи гуруҳи раҳбари олиб борди. Сайловда иштирок этиш учун етиб келган туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Зафар Файзуллаев ҳам биз билан бир четда ўтириб, сайловни кузатишни лозим кўрди. Унинг айтишича, раҳбар ходимнинг юқорида ўтириши сайловда одамларнинг фаоллигига халақит бериши мумкин. Бизнингча ҳам бу гап тўғри.

Тўғриси, менга Масариддин Холмуродовдан бошқа номзодларнинг ҳам дастури ёқди. Аммо Масариддин аканинг оқсоқол сифатидаги фаолияти аҳолининг қалбидан жой олиб улгурган эди. Унинг шу йўлда янада фидойилик кўрсатаётганлиги ҳеч кимга сир эмас эди.

Оқсоқол сайланди, бир овоздан Масариддин Холмуродов яна икки ярим йил муддатга маҳалла аҳли ишончини оқлашга киришди.

АМАЛДАГИ ИШЛАР ЯХШИ, АММО МУҚОБИЛ НОМЗОДНИНГ РЕЖАСИ МАЪҚУЛ

Мирзо Улуғбек тумани Бўз маҳалласида бўлиб ўтган сайловни ҳеч ким силлиқкина, номигагина ўтди, дейишга ҳақли бўлмаса керак.

Маҳаллада бундан 6 ой бурун ҳам ўрни бўшаб қолган оқсоқолликка сайлов ўтказилган бўлиб, тўртта номзод кўрсатилган эди. Бу галги сайловда яна ўша тўрт номзоднинг номи қайд этилди.

Ҳисобот маъқулланди. Оқсоқол янгидан сайлангандан буён ўтган вақтда анча ишлар қилинганлиги қайд этилди. Аммо номзодлар ҳақида гап кетганда муқобил номзоднинг имкониятлари ҳақида кўп гап бўлди ва бу борада М.Жўраевнинг имкониятларига юқори баҳо берилди. Янги муддатга унинг номзоди энг кўп овоз олди.

Ўз мухбиримиз.

1 ИЮНЬ – ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ



«ЁЗДА ФУТБОЛ ЎЙНАЙМИЗ»

Ўтган йили бошланган ва муваффақиятли якунланган маҳалла болалари ўртасидаги футбол «Футболимиз келажаги» номи билан анъанавий тус олиб, ушбу йилда ҳам давом эттирилиши, бунинг устига бу мусобақа қатнашчилари янада кўпайиши яъни мусобақанинг 9-11, 12-14, 15-16 ёшли тоифаларда ўтказилиши бу борадаги масъулиятни янада кучайтирди.

Яқинда Ўзбекистон Олимпия қўмитасида бўлиб ўтган мазкур турнир ташкилий қўмитаси мажлиси ҳозир туманлар аро босқичга чиққан бу йилги мусобақанинг бориши ва унинг кейинги босқичларига тайёргарликка бағишланди.

Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси раиси Шуҳрат Жалилов конференцияни очар экан, аввало ўтган йилги яъни дастлабки марта ўтказилган мусобақаларнинг муваффақиятли ўтишида бош-қош бўлган, намуна кўрсатганларга миннатдорчилик билдирди. Бунинг далили сифатида кенгаш ва жамғарма томонидан таъсис этилиб, ҳар йили ўз эгаларига топширилиб келинаётган «Маҳалла жонкуяри» кўкрак нишонини бу галги соҳиблари деб топилган Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Баҳодир Махситов, футбол мутахассиси Ботир Рахимов, мазкур мусобақанинг жонкуярларидан «Давр» информацион дастури бош муҳаррири Фурқат Зокировларга топширди.

Таъкидланганидек, ўтган йили бу мусобақаларда 10 мингдан зиёд болалар қатнашган бўлса, бу йил қатнашчилар сони бундан бир неча марта кўпдир. Шу боисдан бу йилги мусобақалар таъсисчилари ва бу борадаги мутасаддилардан катта масъулият талаб этилади. Бу борада кўплаб таклиф ва тажрибалар тингланди.

- Мусобақа номидан ҳам маълумки, бугунги мусобақалар эртанги катта футболимизнинг жаҳон миқёсидаги мавқеини белгилайди, - дейди Республика жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Б.Махситов. - Шу боисдан биз бу мусобақанинг кўнгилдагидек ўтиши учун ўзимизга боғлиқ бўлган ҳар бир ишни бажонидил бажаришимиз, керак бўлган барча шарт-шароитни яратиб беришимиз керак.

Шундан сўнг сўзга чиққанлар Кенгаш ва жамғарма раиси муовини Н.Абдуллаев, Тошкент шаҳар кенгаши ва бўлими раиси А.Гадойбоев, Республика Футбол Федерацияси масъул котиби Б.Рахимов, спорт шарҳловчиси А.Имомхўжаев ва бошқалар олдиндаги вазифаларни бажариш юзасидан фикрлар билан бирга болалар маҳалла футболини ривожлантириш юзасидан таклифларни ўртага ташлашди. Хусусан, маҳалла болалари футболи билан машғул бўладиган федерация тузиш таклифи кенг қўллаб-қувватланди.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ САРЧАШМАЛАРИ

Мустақилликнинг 10 йиллиги олдидан

Маҳалла бирон бир шахснинг ташаббуси ёки кашфиёти туфайли юзага келган эмас. Балки неча минг йиллар давомида она заминимиз ва халқимиз бағрида пайдо бўлиб шаклланган шарқона ижтимоий муҳитимизнинг ўзига хос сарчашмаларидир.

Агар яқин ўтмишимизда ўз ҳукмронлигини ўтказиш ва мустаҳкамлаш мақсадида мавжуд тоталитар тузум бу сарчашмаларнинг кўзини бекитишга, сўнг қуритишга уринган бўлса, шукурки Истиқлолимиз туфайли бу сарчашмаларнинг кўзи яна қайта очилиб, уларда ҳаёт барқ уриб қайнамоқда.

Вилоятимиз бўйича бугунги кунда ана шундай ижтимоий ҳаёт масканлари - маҳаллалардан 812 таси мавжуд бўлиб, улар давлат ҳокимияти билан фуқаролар оммаси ўртасидаги энг ишончли ва синалган асосий боғловчи бўғин, ўзига хос, ўзига мос фуқаролик жамияти сифатида ғоят серқирра фаолият кўрсатмоқдалар. «Фуқаролик жамиятини қуриш, - деб таъкидлаган эди Президентимиз Ислом Каримов, - бир қанча ваколатли вазифаларни давлатдан маҳаллий ҳокимият органларига, жамоат тузилмаларига ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич топширишни кўзда тутади». Шу билан бирга давлатимиз бош ислоҳотчи сифатида маҳаллаларнинг шаклланиши ва ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш ҳақида муттасил ғамхўрлик қилиб келмоқда. Ўтган тарихан қисқа вақт ичида вилоятимиздаги барча маҳалла фуқаролари йиғинлари идора бинолари, зарур инвентарлар, ёзувчизув ашёлари кабилар билан таъминландилар.

(Давоми 2-бетда.)

ШУ СОНДАГИ

2-саҳифасида:

- **Андижон маҳаллари истиқлол берган имкониятларни ҳис этмоқда.**
- **Тодд Тоҳиржон бўлиб, маҳаллани севиб, Қаршида яшамоқда.**
- **Оқсоқол фалсафаси қандай? Бу ҳақда бир шеър ўқинг.**

3-саҳифасида:

- **Дамир Салимов ваъда бериб, ваъдасининг устидан чиқди. Йўқ, у янги фильм эмас, маҳаллага янги бино яратди.**
- **Оқсоқол пенсияни тўлиқ олади.**

4-саҳифасида:

- **Олим Абдуқодир Ҳайитметовнинг янги илмий тадқиқотларига кўра қўй сўйилишдан эмас, ҳаром ўлишдан кўрқар экан.**
- **Катта Тўра отаси Амир Саид Музаффардан фарқи уларoқ босқинчиликка қарши эди.**

Тошкент вилояти

МЕНИКИ, СЕНИКИ ЭМАС, ҲАММАМИЗНИКИ

Занги ота тумани Ўзгариш қишлоқ фуқаролар йиғинининг раиси Фозилжон Абдулқосимовни аҳоли яна сайлармикан, деган ҳақли савол туғиларди.

Қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида бешта маҳалла фуқаролар йиғини жойлашган. Табиатни, атроф-муҳитни экологик жиҳатдан тоза-соф бўлишига эришилгани, мавжуд кўчалар, йўллар таъмирланиб, текис-равон қилиб қўйилгани, ариқ-зовурлар қазилиб, сув таъминоти етарли даражада эканлиги, газ, электр қуввати билан барча баробар тўла таъминланганлиги аҳолига кўрсатилаётган ғамхўрлик, зарур қулайлик сифатида юксак баҳоланди. Кўкаламзорлаштириш, ободончилик ишлари мақтовга лойиқ. Маҳаллаларда ҳашар йўли билан гузарлар қурилиши йўлга қўйилган.

Қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудининг осойишталигини сақлашга, турли жиноятларнинг олдини олишга, хафсизликка таҳдид солувчи ҳар қандай диний - экстремистик оқимларга қарши курашга алоҳида аҳамият қаратилган.

Аҳолини иш билан таъминлашга эътибор ҳамиша йиғин назарида. Манзилда ҳозир битта ширкат жамоаси, бешта фермер хўжалиги, ўттиз тўртта катта ва кичик хусусий ишхона, тўртта қурилиш ташкилоти, аҳолига маданий, маиший хизмат кўрсатадиган корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Билим, шифохона, мактабгача тарбия муассасалари етарли. Янгилари қурилмоқда. Хуллас тарозига солиб кўрилса камчиликларга нисбатан ижобий омиллар кўпроқ тош босади. Лекин, раис янада журъатли, ташаббускор, ташкилотчи бўлганда халқ манфаати, фаровонлиги йўлида қилинаётган ишлар залворлироқ бўларди.

Фозилжон Абдулқосимов бошчилигидаги қишлоқ фуқаролар йиғинининг ҳисобот давридаги фаолиятини баҳолашга келганда сўзга чиққан фуқаролар бир оғиздан қониқарли баҳо бердилар. Кўпчилик овоз билан раисликка қайта сайладилар.

Шундан сўнг туман ҳокими Ҳасан Норматов сўз олиб, ҳамма раҳбарларга фойдаси тегадиган йўл-йўриқлар хусусида тўхталди. Жумладан, у қуйидаги учта масалага урғу берди. Биринчидан, собиқ шўролар давридан қолиб келаётган боқимандалик кайфиятига бутунлай барҳам бериш. Адолатли, фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида ҳаётга тобора теран кириб бораётган демократик тамойиллардан, бошқарувни эркинлаштириш омилларидан кенг фойдаланиб, қишлоқ фуқаролар кенгашига қарашли барча ҳудудлардаги иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ишларни мустақил йўлга қўйиш, самарасига эришиш, ташқаридан, юқоридан кимдир келиб, қилиб беради, деган хом хаёлдан томоман холи бўлиш.

- Иккинчидан, - деди у, - ушбу қишлоқ фуқаролар Кенгаши заминида туриб, қаердан келиб ишлашидан қатъий назар, тадбиркорлик билан шуғулланиб, мўмай даромад қилаётган раҳбарлар ҳам шу кенгашга аъзо бўлиши, шу ернинг туб халқига ёрдам бериши, хизмат қилиши керак. Чунки бу ҳудуд ҳаммамизники.

Учинчидан, ёшларга таянинг, суянинг, фойдаланинг. Кенгаш аъзолари орасида ёшлар деярли йўқ. Маҳалланинг, қишлоқ фуқаролар Кенгашининг иши, умуман жамоат иши, фақат кексаларнинг ишидек бўлиб қолмасин.

Р.РАҲМОНОВ.

ЯХШИЛАР ГУЛШАНИ

Фозил кори Ёсин ўғли СОБИРОВ

ИСЛОМДА ФИРҚАЛАР ЙЎҚДИР

Ўзбекистонда ягона тўғри - ҳидоят йўли барқарордир

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бешинчи сессиясида Президентимиз Ислом Каримов мамлакатимиз ва хорижий журналистларининг саволларига жавоб берар эканлар, қатор масалаларга аниқлик киритдилар. Хусусан, муқаддас Ислом дини билан боғлиқ, саволларга берган жавоблари, биз диндорларнинг дилимизда ўйлаб юрган гапларимизнинг тўла-тўкис ифодаси бўлди.

Ўзини "Ўзбекистон исломий ҳаракати" деб атаётган хорижда тентираб юрган жиноий уюшманинг, унга раҳбарлик даъвосида бўлган Тоҳир Йўлдошев, Жумабой Ҳожиевларнинг Мустақил Ўзбекистон Республикасига ҳеч қандай таллуқли ери йўқлигини фош этган Юртбошимиз, уларнинг беҳаёларча халқимиз иродасига зид равишда муқаддас "Ўзбекистон", "Ислом дини" номларини ниқоб қилиб олиб, ёвузликларини, мудҳиш ниятларини, хом хаёлларини яширишга ҳаракат қилаётганликларини дунё афкор оммасига яна бир бор кўрсатиб бердилар.

Ислом дини ҳаққоний, поклик динидир. Ислом дини инсоф, хушхулқлик, ҳаё, меҳр-оқибат, тинчлик, ватанпарварлик каби инсоний фазилатларга даъват этади. Ислом дини оққўнгил, тоза виждонли, ориятли, кечиримли, шафқатли, саховатли чин инсонни ардоқлайди, эзгу ниятларининг рўёбини тилайди. Оллоҳ инсониятга ҳақиқат йўлини кўрсатиш учун қадим замонлардан бошлаб ўзлари ичидан бирини воситачиликка танлаб келган ва уларга фаришталар орқали илм ва маърифат инъом этган. Улар "расул" (элчи) ёки "пайғамбар" деб аталганлар.

(Давоми 3-бетда.)

MAHALLA

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Буюк Турон кўчаси,41-уй

Телефонлар: Хатлар бўлими: 136-53-75, масъул котиб: 136-53-75 ижодий бўлимлар — 136-53-82, Қабулхона — 136-53-93. Тел/Факс: — 133-44-25.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

E-mail:mahalla@gazeta.silk.org

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ САРЧАШМАЛАРИ

(Боши 1-бетда)

Ўтган йиллар давомида кўплаб маҳаллаларда ҳашарлар йўли билан гузарлар барпо этиш ҳаракати кенг қулоч ёзди. Натижада ҳозир уларнинг сони вилоятимиз бўйича 400 тадан ошиб кетди. Айниқса, Андижон шаҳримиздаги Шарифбек, Хонобод шаҳридаги Мустақиллик, Андижон туманидаги Экин-тикин, Дархон, Балиқчи туманидаги Ўрмонбек каби ўнлаб-юзлаб гузарлар маҳалла кўркига-кўрк қўшиб аҳоли учун ўзига хос маданий-маиший ва маърифий марказ бўлиб хизмат қилмоқдалар.

Аммо айрим шаҳарлар ва туманларда маҳалла гузарлари барпо этилишига етарлича аҳамият берилмаётир. Бизнинг фикримизча ҳар бир маҳалланинг ўзига хос гузари бўлиши шарт.

Маҳалла фуқаролари йиғинларининг диққат марказида доимий тарзда турадиган энг долзарб масалалардан бири бу тўй, маърака ва бошқа маросимларнинг қай даражада ўтиши масаласидир. Уларни замон руҳига мос, сермазмун, файзли ўтиши учун Республикамиз Президентининг бу борадаги махсус Фармони муносабати билан анчайин ижобий ишлар амалга оширилди. Бироқ, афсуски, ҳамон тўй баҳона ном чиқаришга, ўзини эл-юрт олдида кўз-кўз қилиб гердайиб юришни мўлжаллаган кишиларимиз ҳам учраб турибди. Тўйни шахсий иш деганлар хато қилади, чунки тўй атроф-муҳитга кучли таъсир этувчи ижтимоий муҳим ҳодисадир.

Маҳаллаларимиз томонидан биргина ўтган 2000 - «Соғлом авлод» йилининг ўзида вилоятимиз бўйича 16 ёшгача фарзандлари бўлган кам даромадли 86182 та оилага 2 миллиард 552 миллион 394 минг сўм, 51383 нафар 2 ёшгача боласи бор ишламайдиган оналарга 1 миллиард 693 миллион 313 минг сўм, 7163 нафар кам таъминланган оилаларга эса 258 миллион 579 минг сўм миқдордаги давлатнинг нафақа пулларини Халқ банкининг тегишли шахобчалари орқали етказиб бердилар.

Аммо гуруч курмаксиз бўлмаганидек айрим ҳолларда баъзи маҳаллалар мутасаддилари таъмагирлик, қариндош-уруғчилик ва таниш-билишчилик каби суистеъмолчиликларга ҳам йўл қўймоқдалар. Масалан, Андижон шаҳар Ўзбекистон маҳалласининг собиқ масъул котиби У.Зулунов, Яхши маҳалласи фуқаролар йиғинининг собиқ раиси Т.Қурбонов, Хонобод шаҳридаги Навоий номли маҳалла фуқаролари йиғини раиси К.Муротов, Қўрғонтепа туманидаги Чимён қишлоғи Суткон маҳалла фуқаролар йиғининг раиси Х.Қаландаровларнинг ана шундай нотўғри хатти-ҳаракатлари фош этганлиги кўпчиликка сабоқ бўлди.

Маҳалла кенгашларининг ҳузурида фаолиятнинг асосий йўналишлари бўйича ўртача 10-12 тадан жамоатчилик асосида иш олиб борувчи комиссиялар фаолият кўрсатмоқдалар. Айниқса давлат ҳокимиятининг Олий ва маҳаллий органларига бўладиган сайловларда, шунингдек депутатлар ва ҳокимият вакиллари билан аҳолининг турли даражадаги учрашувларини ташкил этишда уларнинг сиёсий ташкилотчилик роли ғоят катта бўлмоқда. Турли сиёсий, умуммиллий ва касб байрамларни, диний ҳайитлар, атоқли кунларни аҳоли ўртасида муносиб нишонланишини ташкил этиш, уларни мазмунан бой, тарбиявий жиҳатдан таъсирли ва эсда қоларли қилиб ўтказилишида қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари доимий тарзда бош-қош бўлмоқдалар.

Фуқаролар йиғинларининг кенгашлари ўз ҳудудидаги аҳоли, айниқса ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида нафақат ҳокимият органларига, балки кўплаб жамоат ташкилотларига ҳам турли оммавий-сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий, маданий, спорт ва бошқа тадбирларни ўтказишда бевосита амалий ёрдам бермоқдалар.

Маҳалла фаолиятини хотин-қизларнинг иштирокисиз тасаввур этиш мумкин эмас. Вилоятдаги барча маҳалла фуқаролари йиғинларида хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари бўлиб, улар аҳолининг ярмидан кўпини ташкил этувчи хотин-қизлар ўртасида катта ташкилотчилик ва маънавий-маърифий тарғиботчилик ишларини олиб бормоқдалар. Улар айни пайтда маҳалла оқсоқолининг маслаҳатчиси ва айни вақтда унинг ўринбосари ҳисобланадилар.

Ҳозир вилоятимиз бўйича 14 та қишлоқ ва 40 та маҳалла фуқаролари йиғинларига аёлларимиз раислик қилмоқдалар. Шунингдек, 280 нафар хотин-қизларимиз шаҳарча, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларининг котиблари бўлиб ишламоқдалар.

Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтишимиз ўринлики, Пахтаобод шаҳрида Қўқонқишлоқ маҳалла фуқаролари йиғинида йигитлардан иборат маҳалла посбонлари гуруҳига жасур ва довюрак спортчи аёл Мавлудахон Абдуллаева сардорлик қилмоқда. У иш устида кўрсатган жасорати учун икки марта тақдирланди ҳам. Унга ўз ноёб фаолияти билан ўртоқлашишни сўраб ҳатто бошқа вилоятлардан ҳам хатлар келиб турибди.

Маҳалла кенгашлари фаолиятида ёшлар, айниқса воягa етмаганлар ўртасида иш олиб бориш, уларни жисмонан соғлом, маънавий баркамол, ҳунарли, билимли бўлиб тарбияланиши учун ғамхўрлик қилмоқдалар. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги 360-сонли «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»ги ва шу мазмундаги вилоят ҳокимининг қарорлари «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими, бўлинмалари, барча мавжуд 912 та шаҳарча, қишлоқ ва маҳалла фуқаролари йиғинларида уларнинг кенгашларида жами 2,5 минг мартага яқин даражада муҳокама қилинди. Уларнинг барчалари ҳузурида вояга етмаганлар ва ёшлар билан иш олиб бориш жамоатчилик комиссиялари ташкил этилган. Бу комиссияларнинг кўпчилиги 2000-2005 йилларга мўлжалланган тадбирлар дастурларини ишлаб чиққанлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январда қабул қилган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши катта дастурилмал ролини ўйнамоқда. Унинг асосида вилоятдаги барча маҳалла фуқаролари йиғинлари ҳузурида Конституцияни чуқур ва бобма-боб ўрганиш мақсадида маҳалла ҳалқ университетлари ташкил этилди.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари айниқса нотинч оилалардаги вояга етмаган ёшларга алоҳида аҳамият бермоқдалар. Бундай оилаларнинг, айниқса диний экстремизм таъсирига тушиб қолган ёшлар ва аёллар, муқаддам диний экстремистик ҳаракатлари учун жиноий жавобгарликка тортилган ва жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар оилалари ҳақида ғамхўрлик кўрсата бошладилар.

Шунга қарамасдан вилоятда ҳамон вояга етмаганлар ўртасида турли ҳуқуқбузарлик, ўғрили, безорилик ва ҳатто оғир жиноят содир этиш ҳоллари ҳам тез-тез учраб турибди. Ўз жонига қасд қилиш фактлари ҳам мавжуд. Бундай аҳволни кўпроқ гиёҳвандлик таъсирига берилган ёшлар ўртасида учратиш мумкин. Афсуски вилоятда кейинги йиллар ичида наркоманлар ва таксикоманларнинг сони ортиб бормоқда.

«Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими, бўлинмалари, ўзини ўзи бошқариш органлари мавжуд камчиликлардан тегишли хулоса чиқариб, прокуратура органлари томонидан доимий равишда кўрсатилаётган амалий ёрдамларга суянган ҳолда вояга етмаган ёшлар ўртасида таълим ва тарбиявий ишларни кучайтиришга ҳаракат қилмоқдалар. Айниқса бу борада «Ҳар бир маҳаллага бир спорт мажмуйи» республика ҳаракатини қўллаб-қувватлаган ҳолда маҳалла ҳудудида мавжуд бўлган спорт иншоотлари ва майдончаларини рўйхатга олиш, уларни таъмирлаш, ҳашар йўли билан янгиларини барпо этган ҳолда улардан имкони борича тўлароқ фойдаланиш учун ёшларни жалб этишга алоҳида аҳамият бермоқдалар. Ўзбекистон Республикаси ташкил этилганлигининг 10 йиллиги ва Оналар ва болалар йили шарафига маҳалла ўсмирлари ўртасидаги «Футболимиз келажаги» Республика кубоги турнири мусобақаларида қатнашиш учун вилоятимиз маҳаллалари ёшлари ҳам қизғин тайёргарлик кўриб, унинг дастлабки босқичлари давом этмоқда.

Маҳалла кенгашлари томонидан ёшлар ўртасида футбол мусобақаларини кенг миқёсда авж олдириш учун қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари албатта маҳалла, мактаб ва оила ҳамкорлиги тамойилларига содиқ равишда жойлардаги мактаблар, ўқув юртларининг педагогик жамоалари ўзларининг ҳамкорлик ёрдамларини аямаяптилар.

Шунингдек, ёшлар ўртасидаги бу мусобақаларни ташкил этиш ва уларнинг оммавийлигини таъминлашда вилоят футбол федерацияси, вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, оммавий ахборот воситалари ҳам доимо ҳамкор. Хусусан, ўтган 2,5 йиллик ҳисобот даврида қўлга киритилган ютуқлар, йўл қўйилган айрим камчиликлар сарҳисоб қилинмоқда. Фуқаролар йиғинлари кенгашлари ҳузурида фаолиятнинг асосий йўналишлари бўйича ташкил этилган жамоатчилик асосида иш олиб борувчи турли комиссияларнинг ишлари ҳам таҳлилдан ўтказилиб, уларга баҳо берилмоқда.

Ҳеч шубҳа йўққи янги асримизнинг биринчи йили вилоятимиздаги барча ўзини ўзи бошқариш органлари ишида янада юксакроқ поғонага кўтарилиш, халқимизнинг ишончи ва ҳурматига янада кўпроқ сазовор бўлиш йили бўлиб қолади.

Аминжон СОЛИЕВ,
Андижон вилояти Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлимининг раиси.

Суратда: Охунбобоев шаҳар Сўфиқишлоқ маҳалла фуқаролар йиғинининг раиси (чапдан) Собиржон Юсупов, «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлимининг раиси Аминжон Солиев, «Жалақудуқ ҳаёти» туман газетасининг мухбири Наргиза Хушвақтова, «Маҳалла» жамғармаси туман бўлимининг раҳбари Бахтихон Тошматовалар жойларда бўлиб ўтаётган сайловлар хусусида суҳбатлашмоқда.

А.ҚОДИРОВ олган сурат.

Андижон шаҳар Фаробий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ўктамжон Рустамов (чапда) отахонлар билан бамаслаҳат ишлашни, кези келганда уларга имкон қадар моддий ва маънавий кўмак беришни канда қилмайди.

Х.АРАББОЕВ олган сурат.

МАҲАЛЛОТга МЕҲР ҚЎЙГАН ТОДД МЮЛЛЕР

Қарши шаҳридаги Маҳаллот маҳалласида Тодд Мюллерлар хонадони истиқомат қилишади. Уларнинг Америка Қўшма Штатларидан кўчиб келишганига 5 йил бўлди. Ана шу давр мобайнида меҳмонлар маҳалладагиларга, мезбонлар эса меҳмонларга жуда ўрганиб қолишди. Биз ТОДД билан дилдан суҳбатлашдик.

- Тодд, аввало ўзингиз ҳақингизда қисқагина маълумот берсангиз?

- Жоним билан. Аввало келишиб олайлик. Менга Тоҳиржон деб мурожаат қилаверинг. Маҳалладошларим менга ана шундай, хотиним Жениферга Жамила деб ном беришган. Бу номлар ҳар иккаламизга ҳам жуда ёқади.

Энди ўзим ҳақимда. 1969 йилда АҚШнинг Огайо штатида туғилганман. Кейинчалик оилам билан Канадага кўчиб ўтдик. Ўша ерда аввал мактабни, кейин институтни тугатдим. Айни пайтда оилам билан бирга Қарши Давлат университети талабаларига инглиз тилидан дарс берамиз.

- Агар сир бўлмаса, Ўзбекистонга, Қашқадарё вилоятига келиб қолишингиз тафсилоти билан таништирсангиз?

- Мамлакатингиз ҳақида биринчи бор 1992 йилда эшитдим. Ўшанда Ўзбекистон деган мустақил мамлакат пайдо бўлганлиги, бу ерда инглиз тили бўйича мутахассислар зарур эканлигини айтишди. Мамлакат тарихи билан танишдим-у, Ўзбекистонга мафтун бўлиб қолдим. Кўнгиллилардан бўлиб бу ёққа жўнашга қарор қилдик. Аввал Тошкентда ишладим. Аммо қишлоқда ўсганим учунми чекка вилоятларда ишлашни маъқул кўрдим. Беш йилдирки Қаршидаман.

- Сизга бутунлай нотаниш бўлган мамлакат одамлари, уларнинг урф-одатлари, турмуш тарзига кўникишингиз қийин бўлмадими? сизга қийинлик туғдирдими?

- Аксинча, мавжуд адабиётлар, манбалар орқали мамлакатингиз билан бироз бўлсада таништач, халқингизга бўлган меҳрим ортди. Келганимиздан кўп ўтмай қўшнилар бизни - умуман бегона кишиларни меҳмонга айта бошлашди. Ўзбекларнинг меҳмондўстлигига қойилман. Маҳаллага эса сира гап йўқ. Ҳовли сотиб олиб келганимизда қўшнилар «кўч оши» қилиб узатишди. Кейинчалик «қўшни ҳақи» киритишди. Тандир ёпилганида иссиқ нон узатишди. Тўйларни айтмайсизми? Топган-тутганини барча билан баҳам кўриш, тўкин дастурхон ёзиш бу ерда одатий ҳолга айланган экан. Товба, кўнгли истаган пайтда 4-5 киши тўсатдан келиб қолса, мезбон қувонганидан ҳатто улар учун молини сўяди. Бизда эса бутунлай бошқача. Ҳеч ким, ҳеч қачон, ҳатто энг яқин кишисиникига ҳам дабдурустдан кириб боролмайди. Фақат уй эгаси таклиф этган тақдирдагина меҳмонга борилади.

Қўлни кўксига қўйиб саломлашишини кўринг. Кўришганда бир-бирингизни кўксингизга босиб ҳол-аҳвол сўрашишингизни айтмайсизми? Ана меҳр, ана ҳурмат, ана оқибат. Бизда бундай илтифотлар йўқ. Узоқдан шунчаки ҳол сўраб қўйишади холос. Юзма-юз келиб қолганда ҳам камдан-кам ҳолда қўл бериб саломлашилади.

Ҳашарларга қойил қоламан. Кўни қўшнилар, таниш-билишлар ташкил этишиб, бир-икки ойда улгуриб бўлмайдиган ишни 2-3 кунда бажаришади. Ўртаҳол оиланинг бундан кўрадиган иқтисодий фойдасини ҳисоб-китоб қилиб кўринг-а. Ана одамгарчилик, ана олийҳимматлик.

Бошига мусибат тушган хонадонлардан кўнгил сўраш - дуои фотиҳага бориш, уларни қўллаб-қуватлаш. Мотам маросимларини ташкил этишда кўмаклашишни ҳам қарз, ҳам фарз деб ҳисоблаш чинакам олийжаноблик.

- Хуллас, бир-бирига таққослайдиган ва чинакамига қойил қоладиган урф-одатлар беҳисоб Ўзбекистонда.

-Тоҳиржон, мулозамат демангу, анча дуруст гапирадиган бўлибсиз, ўзбек тилида.

-Ўзбек тилида сўзлашни фахр деб биламан, шунинг учун ҳам уни ўрганишдаги қийинчиликлардан қўрқмайман.

-Бизнинг талабаларимизнинг канадаликлардан фарқли томонлари нимада?

- Талаба ўз номи билан талаба. Уларнинг билимга чанқоқлиги бир хил. Фақат бир жиҳати борки, Канадада талабалар пул тўлаб ўқийдилар. Яхши ўқимасалар тўлаган пуллари қуйиб кетади. Кейин ҳаммасини бошидан бошлашга тўғри келади. Шунинг учун иложи борича ўқишни сусайтирмасликка ҳаракат қиладилар. Лекин домларда пул эвазига баҳо қўйиб бериш деган тушунча йўқ.

- Бизни уялтирманг, Тоҳиржон.

- Ойни этак билан ёпиб бўлмайдида, ахир.

- Қашқадарёнинг иссиқ кунлари ҳам бошланди. Ортиқча қийнаб қўймаяптими?

- Дастлабки келган вақтларда анча қийналдик. Ҳозир ўрганиб қолдик. Агар имкон беришса, ҳали-бери бу ердан кетиш ниятимиз йўқ. Фақат бизнинг қаерда қанча ишлашимиз CAFE, яъни Марказий Осиёга бегараз ёрдам кўрсатиш ташкилоти раҳбариятига боғлиқ. Бу ерда ўз меҳнатимиз билан катта ҳурмат, эътибор қозондик. Шу боис бўлса керак Қашқадарёга меҳримиз бошқача. Жуда катта орзуларимиз бор. Бунинг учун ҳали анча тер тўкишга тўғри келади.

Суҳбатдош: Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ

1 ИЮНЬ-ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

Эрталабдан маҳалла гузарига хотин-халаж, бола-бақра ёғилиб келишаверди. Чунки бугун анъанавий Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган Чилонзор маҳалла аҳлининг тадбири ўтказилади.

МАҲАЛЛАМИЗ БИР КУНИ

Дош қозон қайнаган, дастурхонлар безатилган, Муқимий номли театрнинг атоқли санъаткорлари хизматда.

Чилонзор туманидаги 162-мактабда ўқув йилининг тугашига бағишланган «Сўнгги қўнғироқ»қа бағишланган тадбир маҳалла гузарида давом этди. Маҳалла аҳли мактаб педагогик жамоаси билан бирга битирувчи синф ёшларини таклиф этишди. Уларни карнай-сурнайлар садоси билан кутиб олишди. Атоқли саръаткорлар билан бирга маҳалладошлари, мактаб ўқувчиси Нигора Орифжон қизи раҳбарлигида тузилган жажжи қиз болалар «Чилонзор» гуруҳининг бадиий чиқиши қизиқарли бўлди.

Йиғилганларга фалсафа фанлари доктори, Чилонзор тумани маънавият-маърифат кенгаши масъул котиби М.Тешабаеванинг «Келажак авлоднинг тарбиясида маҳалла ва мактабнинг ўзаро ҳамкорлигининг самаралари тўғрисида»ги маърузаси яхши таассурот қолдирди.

Тадбир сўнгида элга машҳур кекса маданият ходими Н.Дўстхўжаев ёшларга келажаги буюк бўлган юртга фойдали кишилар бўлиб етишларини тилаб дуолар қилди.

Шу куни маҳалла гузарида мусиқа садолари узоқ вақт жаранглаб турди.

Омонулла МУТАЛОВ,
маҳалла оқсоқоли.

Тадбиркорнинг гузари

Лола Оллашукуровани Тўрткўл шаҳрида каттаю кичик ишнингкўзини биладиган тадбиркор сифатида яхши билади. У яқинда«Марказобод» маҳалласидаги ташландиқ майдонни обод қилиб, уерда гузар мажмуини қуриб фойдаланишга топширди.

Янги мажмуадаги ронийлар чойхонаси, ёшлар учун «Воҳа» қаҳвахонаси, болаларучун музқаймоқ ва яхна ичимликлар павильони иш бошлади.Шунингдек, «Лола» кичик супермаркети, қассобхона ва бошқахизмат кўрсатиш нуқталари маҳалладошлар қўйишшохобчаси, тикувчилик корхонаси, 2 та дорихонаси мунтазамфаолият кўрсатмоқда. Энг муҳими, бу хизмат ўринларида 100нафарга яқин киши иш билан таъминланди.

А.ИСКАНДАРОВ.

Ғаройиб

ТАНТАНАГА СОҚОЛ ЎСТИРИБ

Шимолий Каролина штатидаги (АҚШ) Маклесфилд шаҳрининг эркаклари соқол қўйиш инглизлар учун одатий ҳол. Маклесфилд шаҳрига инглизлар асос солиб шу ерни яшаш учун макон қилган эканлар, демак улар Туманли мамлакат фуқаросига ўхшашлари шарт. Соқол ўстирмаган ҳар қандай эркак 25 доллар жарима тўлашга мажбур этилиши ёки қамалиши мумкин. Бироқ баъзи бир эркаклар ушбу қонунга бўйсиниш ниятида эмаслар. Улар соқолни ёқтирмайдиган аёлларига ёмон кўрингандан кўра 25 доллар жарима тўлашга рози эканликларини айтишмоқда.

Пўлат ота ва унинг издошлари

Тўғриси, бу оила билан танишишни бизга Денов тумани Ҳайдар Муродов номли маҳалла оқсоқоли Равшан Холбоев таклиф этди. Раснинг айтишича, Пўлат ака Ҳайитовлар оиласи нафақат маҳаллада, балки туманда ҳам ном чиқарган оилалардан бири экан. Маҳалла одамларини энг яхши билгувчиси айнан оқсоқол бўлгани учун ҳам Равшан аканинг таклифига кўниб, Ҳайитовлар оиласига ошиқдик.

- Бу Аъзамжоннинг уйи, - деди Равшан ака, шундоққина йўл ёқасилаги ҳовлига ишора қилиб, - Аъзамжон Пўлат аканинг учинчи ўғли. Ўзи масъул вазифада ишласа ҳам тинибтинчимайди. Чорваси бор. Уйида мол боқади. Маҳаллада ўтказиладиган тадбирларда фаол иштирок этади, ҳисса қўшади. Эл қорига яраяпти. Гузарда тегирмон қурди, обжувозида зигир ёғ тайёрланяпти. Биргина Аъзамжон эмас, Пўлат ака фарзандларининг бари меҳнатсевар. Тўнгичи Абдулла хусусий корхона очди. Аҳолидан, ташкилотлардан яроқсиз қоғоз чиқиндиларни йиғиб, Попдаги тўл ишлаб чиқариш заводига етказиб берянти. Бунинг эвазига Денов туманидаги қурилиш ташкилотларини зарур хом ашё билан таъминлаяпти.

Иккинчиси, Ибодулло қурувчи-муҳандис. Механизациялашган кўчма-жамламада ишлайди. Туманнинг ободлигида, хушбичим замонавий бинолар қурилишида унинг ҳиссаси бор. Кенжаси Музаффар бозор ишчиси. Қизлари - Мавлуда, Гулбаҳор, Муқаддас, Насибахонлар ўзларидан тинган, уйли-жойли бўлиб кетишган.

Пўлат ака Ҳайитов билан учрашдик. У эллиқ йилдан ортиқ колхозда деҳқончилик қилган экан. Қўш-хўшиб билан ер ҳайдаган. Экин эккан, ҳосил етиштирган. Тўртинчи синф маълумоти бўлса ҳам ҳисобга ҳушёр бўлгани учун табелчилик ҳам қилган. Сўнг бригадага бошчилик қилган. Шунингдек, кўп йиллар Деновнинг «Деҳқонбобо» бозорида ишлаган. Мисқоллаб обрў ортирган. Олийжаноб фазилатлари билан элга танилган, бошқалардан ажралиб турган.

Умр йўлдоши Зайнаб опани айтмайсизми? Меҳмондўст, ширинсўзликда Пўлат акадан қолишмайди. Борини бошқалар билан баҳам кўрадиган, йўлида қаноат қиладиган бардошли аёл. Рўзғор тутиш фазилатлари Зайнаб опадан қизларига, келинларига кўчган.

Пўлат ака узоқ йиллардан буён Ҳажга бориш, Қабатуллоҳни зиёрат қилиб қайтиш ниятида эди. Истиқлол ғалабасининг 10 йиллик юбилейи нишонланадиган йилда унинг орзуси ушалди. У мусулмончиликнинг ҳаж амалини бажариб қайтди.

- Мустақиллик берди бу имкониятларни, - дейди Пўлат ҳожи Ҳайит ўғли. Биздек оддий кишиларга оталарча ғамхўрлик кўрсатаётган Юртбошимиз омон бўлсин.

Омон ШУКУРОВ,
«Mahalla» мухбири.

Суратда: Пўлат ҳожи Ҳайитов, турмуш ўртоғи Зайнаб опа билан.

маҳалла оқсоқоллари диққатига

«Маҳалла муруввати»

корхонасида маҳалла болалари ўртасида ўтказилаётган «Футболимиз келажаги» республика кубоги турнири қатнашчилари учун арзонлаштирилган мусобақа рамзи туширилган футбол кийимлари тайёрланмоқда.

Манзилимиз: ***Тошкент шаҳри,Акмал Икромов тумани, Меҳмондўст кўчаси,26-ўй.***

Телефонлар: °(8-3712) 47-83-03; 139-05-25; 136-71-88; 136-87-66

Азим СУЮН

Кимга ҳазил, кимга чин

«ОҚСОҚОЛ»

Қадим замондамас, бизнинг замонда,
Ўзга томондамас, бизнинг томонда,
Бир ҳангома содир бўлди - ғаройиб,
Чиндан-да ғаройиб, чиндан ажойиб.
Омон муаллимнинг йўғию бори,
Бор эди ўртача битта қўчқори.
Юртчилик, ажралиб қолмай деб кўпдан,
Тўй учун қўчқорин боқарди кўпдан.
Дунёда қўптими қиёмат қойим,
Фалокат оёқнинг остида дойим.
Охур адоғида бир хум турарди,
Унда см бор эди - қўчқор кўрарди.
Бир куни қўчқорвой узди ипини
Ва хумга бошини тиқди тепиниб.
Кулиб, ҳам ўртаниб ёзмай нетайин,
Бу масал қизиғи бошланди кейин.
Дунёда кўнгли кенг эшиги торнинг,
Хумдан боши чиқмай қолди қўчқорнинг.
Қошига югурди муаллим Омон,
Ушлади... уринди ... бош хумда ҳамон!

Пайдо бўлди зумда қўни-қўшнилар,
Маслаҳатгўй чиқиб қолди яхшилар:
- Э, чақир, маҳалла оқсоқоли бор,
У ахир оқсоқол, доною донгдор.
Ҳар қандай чигал иш унга чикора,
Осмон тушиб кетса, тоғгуси чора.
Хуллас, оқсоқолни келдилар олиб,
«Сўйингиз!» - буюрди у келасолиб.
Қассоб ҳам топилди ўша палласи,
Бўйнидан узилди қўчқор калласи.
Қонига бўялиб танаси бир ён,
Шўрликнинг боши-чи, хумдадир ҳамон!
Оқсоқол ғазаби қўзғади... деди:
- О, лаънати хумни синдиринг энди!...

Қўчқордан айрилиб, айрилиб хумдан,
Мол аччиғи, Омон йиғлади чиндан.
Бундай оқсоқолга берсинми овоз?
Энди ўйлаб кўрса бўлади зимдан.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ ПАНОРАМАСИ

● Яқин Шарқдаги вазият кескинлигича қолмоқда. Бўлиб ўтаётган тўқнашувлар учун томонлар, бир-бирларини айбламоқдалар. Исроил ва Фаластин ўртасидаги муносабатларни яхшилаш мақсадида АҚШнинг махсус вакили А.Шарон ва Ё.Арофат билан учрашиб музокаралар олиб борган. Вазият кескинлиги боис Ё.Арофат июнь ойига мўлжалланган ташрифини аввалроқ бошлашига тўғри келди ва кеча Москвага келиб Россия президенти В.Путин билан учрашди. Фаластин раҳбари Бутунроссия патриархи Алексей II билан ҳам учрашади.

● **Россияда ўтказилган сўровларга кўра 18 ёшдан 35 ёшгача бўлган аёлларнинг етмиш фоизи чет мамлакатларга бориб ишлаш истагини билдирганлар. Умуман бу зиддият МДҲ давлатларининг кўпчилигига хос бўлиб, собиқ СССРнинг таркибга кирган республикалардан биргина ўтган йилнинг ўзида 50 мингдан ортиқ аёллар четга чиқиб кетган. Кейинги беш йил ичида эса шу мамлакатлардан қарийб ярим миллионга яқин аёллар пул ишлаш мақсадида хориж мамлакатларга жўнаб кетган.**

● Бельгия ҳукумати Россия фуқароларига вақтинча виза беришни тўхтатиб туришга қарор қилди. Белтгиянинг бундай қадам қўйишига кейинги вақтда Россиядан бораётган фуқароларни кўпчилигини у мамлакатдан доимий яшаб қолиш учун рухсат сўраётганликлари сабаб бўлган. Шу йилнинг апрел ойининг ўзида фақат икки юзга яқин ана шу мазмунда ариза тушган.

● **«Вашингтон пост газетасига кўра АҚШнинг собиқ президенти Билл Клинтоннинг шуҳрати ҳали бери сўнмайдиган кўринади. Уни дам қандайдир бирор съездда нутқ сўзлаб беришга чақиришса дам конгрессга таклиф қилишмоқда экан. Булар албатта бепул эмас. Ҳабарига камида 100 минг доллар гонорар тўлаш эвазига Клинтоннинг матбуот котиби Д.Сьюцертнинг таъкидлашича собиқ президентдан интервью олиш мақсадида юрган журналистларнинг адоғи йўқмиш. Бундан ташқари Биллга саксафон чалиб беришни илтимос қилаётганлар ҳам беҳисоб. Яқинда Клинтон Италияда ўтказилган Сан-Ремо фестивалида қатнашишда бош тортишга мажбур бўлди. Унинг гонорар оз эмас, кўп эмас 250 минг доллар эди.**

***

● «Озодлик» радиосининг хабарига кўра Германияда икки ярим миллионга яқин турк миллатига мансуб кишилар истиқомат қилмоқда. Уларнинг қудратлилари жамланган маблағларини ўз юртларига жўнатиб мамлакат иқтисодини мустаҳкамлашга сарфламоқдалар.

● **Олти миллиондан ортиқ аҳолиси бўлган Тожикистоннинг бу йилги аҳоли ҳам яхши эмас. Республика аҳолисининг бешдан тўрт қисмидан кўпроғи қашшоқона умр кечирмоқда. Шу боисдан ҳам жаҳон жамоатчилиги ўтган йили республикага 313 минг тонна дон ва кўплаб озиқ-овқат маҳсулотлари билан ёрдам берган эди. Бу йилги аҳвол ўтган йилдагидан ҳам ёмонроқ бўлиши кутилаётганлиги сабабли президент И.Раҳмонов БМТ Бош котиби К.Аннаига, АҚШ, Германия, Канада давлат раҳбарларига мактуб йўллаб бу йил 500 минг тонна дон, 10 минг тонна ёғ, 15 минг тонна сут, 10 минг тонна гўшт билан ёрдам беришларини сўраб мурожжат қилди.**

Хориж матбуоти асосида Ф.ҒОЙИБОВ тайёрлади.

Яхшилар гулшани

ИСЛОМДА ФИРҚАЛАР ЙЎҚДИР

(Боши 1-бетда).

Уларнинг энг охиргиси, Оллоҳ тарафидан топширилган шарафли вазифани мукаммал бажарган Ҳазрати Муҳаммад (САВ)-дир. Ўз навбатида Оллоҳу таоло пайғамбаримизга ҳаққу рост Қуръони каримни юборган. Ҳадиси шариф ҳикматларини берган.

Оллоҳ субҳана ва таоло "Бани Исроил" сурасида марҳамат қилиб айтадики, "Биз одамзод фарзандини улуғ қилиб яратдик. Ҳурматладик. Азизу мукаррам этдик. Хоҳ қуруқда бўлсин, хоҳ сувда бўлсин инсонга тенг келадиган бирор бир махлуқот, мавжудот йўқ. Қуруқда ҳам, сувда ҳам азиз ва инсонга энг покиза, улуғ неъматларни ризқ қилиб бердик. Ва инсоннинг фазилатларини барча махлуқотларникидан ортиқ қилдик..."

Оллоҳ бу ояти каримасида инсоннинг миллати, дини, ирқидан қатъий назар одамзод фарзандини, жумлаи инсониятни назарда тутаяпти, Оллоҳ улуғлаган инсонни таҳқирлашга, уни ўлдиришга, унга зулм, зуғум қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ!

Ахир яратган Эгам оятларида таъкидлайдики: "Битта одамни бегуноҳ ўлдиришлик, бир одамнинг қонини бегуноҳ тўкишлик, бутун Олам одамларининг қонини тўккан билан баробар" Бундан ортиқ гуноҳ борми дунёда?!.

Хорижлик юртдошларимиз орасида, мамлакатимизда бўлаётган улуғ ишларга зид фаолият кўрсатаётган қалби кўр, бефаҳм кимсалар борлигига хафа бўласан, киши.

Араб диёрларидан, бошқа бир диёрлардан пайдо бўлиб, бизга суқилиб кираётган оқимлар нима ўзи? Булар нега ўзларига Ислом дини оқимлари, деб ном қўйиб олишиб, Ислом динини ўзларига ниқоб қилиб олиб, бизнинг ватанимизга кириб келиб, ўзининг ким эканлигини соддадиллар, илмсизларга ёки билиб туриб ватанфурушлик қилаётганларга, ватанимизга тош отиб юрганларнинг ичига кириб олиб, бизнинг тинчлигимизни бузмоқчи бўладилар. Ана шуларнинг ўзи фисқу фасод, ғалваларни тарқатиб, тинчликни бузишга ҳаракат қилишяпти. Бунга асло йўл қўйиб бўлмайди.

Қуръони каримни бир очиб қаранг, Ҳадисларни бир варақлаб, мағзини чақишга уриниб кўринг, шундай бузғунчи, одамларнинг тинчини бузувчи диний фирқалар ҳақида бирорта оят, ҳадис йўқ.Аксинча, Оллоҳим Қуръоннинг Оли Имрон сурасининг 103-оятида шундай деб қўйибди бу хусусида?: "Ва барчангиз Оллоҳнинг арқони (Қуръон)га боғланингиз,ва(фирқаларга) бўлинмангиз". Бу Оллоҳнинг каломи, ҳукмлари.

Инсониятнинг бир-бирларига бўладиган меҳр-муҳаббати - амали солиҳ.- Бу оятларда кўп айтилади. Аммо бу оқимларнинг ғояси - жиҳод. Халифаликни қумсаш. Жангдан бошланади, буларнинг амали. Ҳеч бир халқ, мамлакат "Келинглар бизга эгалик қилинг, бизни бошқаринг" - деб айтмайдику! Бунинг учун қон тўкилиши, давлат тўнтаришлари бўлиши керак бўлади. Бу мақсадни амалга ошириш учун тинч аҳолини қириш керак. Етим есирнинг сонини кўпайтириш керак. Парокандаликка олиб келиш керак. Мусулмонларни тубсиз жарга ағдариш керак. Ҳозир, мустақил давлат бўлиб, ўзларига хос ҳаёт йўлидан бораётган мусулмон давлатлари, йигирмага яқин давлатга бўлиниб яшаётган арабларнинг ўзи битта халифаликка бирлашишни хоҳлайди, дейсизми? Нега энди, у ёки бу давлат ўзининг конституциявий йўлидан, сайлаб қўйган йўлбошчисидан кечиб, халифаликка бирлашиши керак? Хом хаёл-ку бу!

Бинобарин, Оллоҳ ўзининг каломи бўлмиш Қуръони Каримнинг Бақара сурасида "Эй, мусулмонлар, Оллоҳнинг дини соясида бирлашингизлар ва пароканда бўлмангизлар!" деб буюрган. Ушбу ояти карима мусулмонларни фирқаларга бўлиниб кетмасликка, доимо ҳамжиҳат бўлиб яшашликка чақиради. Умуман ислом динида исломий оқимлар тузилишини тасаввур қилиб бўлмайди. Негаки, ҳар қандай киши Оллоҳга ва унинг Расулига имон келтириши билан мусулмон бўлади ва мусулмонлар қаторидан жой олади. Бунинг учун у яна қандайдир исломий деб даъво қилаётган фирқаларга аъзо бўлиши, унинг олдида қасам ичиши шарт қилинмаган. Аксинча, бундай йўл тутиш ислом таълимотига зиддир.

Жанжал чиқариб, мусулмонларни тафриқа қилиб, юрганларнинг диний оқимман деб, ғоясини тарғиб қилаётганларга қарангки, Халифа бўлмаса мусулмон давлати бўлмасмиш, шунинг учун халифа сайлаш керак эмиш. Ахир ўзингизга ўзингиз савол беринг, дунёнинг эгаси Оллоҳ бирор каломида агар халифангиз бўлмаса мусулмон бўлмайсиз, халифа сайлаб олмасангиз рўзаларингизни, ибодатларингизни, амалларингизни қабул қилмайман деган сўзи борми? Оллоҳку имон бериб, имонни оладиган, жон бериб, жон олгувчи. Биродарлар, ёшларимиз, фикр қилинг, танангизга ўйлаб кўрингда: битта одам халифа бўлса, ҳамма одам мусулмон бўларкан, шу гапда мантиқ борми? Пайғамбаримиз замонларида ҳам мунофиқлар бўлган, биз мусулмонмиз деб динимизга раҳна солиб юришган. Пайғамбаримиз ҳам била олмаганлар, мунофиқлар борлигини, Оллоҳ билдираяпти у кишига ҳам ким мунофиқ, ким мусулмонлигини. Ҳаммани мусулмон қилишлик мажбурияти ҳатто Пайғамбаримизга ҳам буюрилмаган. Мен халифа бўлсам, ҳаммани мусулмон қиламан деганлар, пайғамбаримиздан ҳам ўзини юқори қўймаяптими? Бир ўйлаб кўринг, бу ерда тақдири илоҳий турибди. Оллоҳ хоҳлагани бўлади, агар Яратган Эгам хоҳламаса бўлмайди.

Бухорийдан ривоят қилинадики: "Ёмон йўлдан қайтариш ҳам жиҳод. Болачақаларни йўлга солиш, одоб-ахлоқ ўрганиш ҳам жиҳод. Энг афзал жиҳод сидқитақво билан қилинган ҳаждир" - дедилар. "Жавомиил калим" китобида келтирилади-ки: "Динда ғулув чиқазишдан сақланинглар, сизлардан олдинги умматлар ғулув чиқазиб ҳалок бўлишган. Оллоҳ офат юборган дейдилар".

Пайғамбаримиз (САВ) ҳадисларида (Бухорий 2-3, 489-383 бетларда) охир замонда шундай гуруҳлар чиқади, ўзлари ёшлар бўлиб, гапга чечан, ояти ҳадисдан гапиради. Аввалида, фикрлари аҳмоқона, улар диндан камондан ўқ отилгандек тез чуқурлар. Ёмонлари бўғзиларидан нарига ўтмагай, улар ўлимга ҳукм қилинганлар, негаки ҳамма ёшларни чалғитиб, диндан чиқаради, бузуқ фикрлари билан оят-ҳадисга қарши иш олиб борадилар дейдилар.

Ҳозирги кунда учраб турадиган ношукур айрим ёш кимсалар ўзларига бир хулоса чиқариб олсалар бўларди. Истиқлолимиз туфайли она тилимиз, динимиз, тарихимиз, фахру ғуруримиз қайтариб берилди. Буларнинг баҳоси борми? Нафс бандалари ҳамма нарсани нон, гўшт билан ҳисоб-китоб қилади. Ҳайвонот боғида сақланаётган махлуқлар учун нон, гўшт емиши тайёр. Лекин эркинлиги, озодлиги йўқ. Қани ўзича тоғу тошга, табиат қўйнига чиқиб кўрсинчи, озодлик ахир панжаранинг ичида берилган минг таомлардан афзалку. Истиқлолнинг шукрини қилиш ўрнига, Худодан шу замонамизнинг тинчлигини сўраш ўрнига ҳасадчиларга, душманларга эргашиб, ана шундайларнинг бемаъно ғояси учун жонини фидо қилган, илмсиз, онгсиз, бемеҳр, муҳаббатсиз инсонлардан бир ҳавода нафас олаётганингдан ҳам хафа бўлиб кетаркансан. Яна энг даҳшатлиси Ислом дини бизда йўқ деб даъво қилишларичи. Ислом дини бизнинг қалбимизга, дилимизга ўрнашиб кетган. Буни ҳеч ким суғура олмайди, суғура олмади ҳам. "Оллоҳ бизнинг қалбимизда, юрагимизда" деб турибди Юртбошимиз. Ҳар бир виждони, имони, инсофи бор одамга шу сўзнинг ўзи катта мададдир.

Одам мард бўлиши керак. Бир мутаффакир: "Ҳамма касалга даво бор, лекин ҳасадчининг ҳасадига даво йўқ" - деган экан. Шу ерда яна бир ривоятни келтириб ўтамиз. **Бир мамлакатда одил подшоҳ бўлган экан. У шунчалар одил эканки, юрти шунинг натижасида яшнаб, фаровонлашиб бораверибди. Бир куни подшоҳнинг олдига иккита ҳасадчи арз қилиб келибди. Қўшниларидан шикоят қилишибди,**

— Шоҳим, Сиздан адолат истаб келдик - дейишибди.

— Хўп нима гап, қандай арзларингиз бор - дебди шоҳ.

— Қўшнимизнинг иккита сигири бор.

— Бор бўлса нима бўлибди? Қайтага яхши эмасми? Вақти бемаҳал сизларга ҳам қатиқ, сут чиқариб туради.

— Йўқ, шоҳим, тушунмадингиз. Бу ўзи камбағал одам бўлса, иккита сигирни қаердан олди экан? Бизда сигир йўқку, бунда эса бор.

— Мен адолат қилганим бўлсин. Сизлар сигир ололмаётган бўлсангиз, сизларга иккитадан сигир бераман.

— Йўқ олампаноҳ, иккита сигирга ем топиб беролмаймиз. Емнинг ўзи катта пул.

— Хўп, адолатни охиригача етказай, майли емни подшоҳликдан етказиб туришади, ҳашагини ҳам берамиз.

— Эй, шоҳим! Биз у молларга қаролмаймиз.

— Бўлмаса нима истайсизлар? Нима қилсам адолат қилган бўламан?

— Иккита сигирни тортиб олингда, ўзини зиндонга ташланг, дейишган экан ҳасадчилар.

Ҳасадчи муросага келмайди. У фақат бир фалокатни чиқарса, бирор кимсага зарар етказса, мақсади, фикри-зикри шу. Бундайларга қарата Юртбошимизга қўшилиб, айтамизки: - Биз ўз муқаддас динимиз ва эътиқодимиздан ҳеч қачон воз кечмаймиз. Шу билан бирга, муқаддас динимиз, Ватанимиз - Ўзбекистон шаънига доғ туширмоқчи бўлган кимсалар билан ҳеч қачон муроса қилолмаймиз. Керак бўлса бир мушт бўлиб табаррук заминимизни кўз қорачиғидай авайлаб асраймиз.

«БИЗНИ МАҲАЛЛА ҚИЗИҚТИРАДИ»

-дейишди халқаро семинар иштирокчилари

Яқинда Фарғона водийсининг «Чимён» сиҳатгоҳида «Болаларнинг илк ёшдан ривожланиши» мавзусида бир ҳафталик халқаро семинар бўлиб ўтди.

Уларнинг режаси кутилмаганда ўзгариб қолди.

- Бизни сизнинг маҳаллаларингиз фаолияти қизиқтириб қолди, - ниятларини баён қилишда семинарнинг экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва саломатлик шўъбаси аъзолари. - Бағдод туманидаги маҳаллалар шарт-шароити билан танишсак...

Э.Неъматуллаев номидаги маҳалла хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси, тумандаги 35-мактаб ўқитувчиси Зумрадхон Қурбонова меҳмонларни шарт-шароитлари билан таништира бошлади.

- Бизда ҳашар деб номланувчи ажойиб бир анъана бор, - ҳикоя қилади Зумрадхон. - Яъни бу бирор бир юмушни кўпчилик йиғилиб бартараф этиш. Маҳалламизда ҳеч бир муаммо йўққи ҳашар йўли билан бартараф этилмаган бўлса.

Маҳалламиз теварак-атрофида 54 га хонадон бор. Мен таълим бераётган ўқув даргоҳи ҳам шу манзилда жойлашгани боис ўқувчилар атроф-муҳит тозалигига доимо масъулдирлар. Яқинда кўпчилик бўлиб чиқиндиларни ихчам ва озодаликка риоя қилган ҳолда тўплаб ва ташиб чиқиб кетиш мақсадида ҳар турли нарса учун алоҳида махсус жой қурдик. Фаол ўқувчилардан иборат назорат гуруҳи тайинладик. Болалар метал чиқиндилари, эски-туски қоғоз қутилар, пластмасса буюмлари ва бошқа нарсаларни алоҳида-алоҳида ташланишини таъминлаяпти. Чет эллик мутахассис ва олимлар эътиборини айниқса маҳалладошларнинг сувни тежаб-тергаб ишлатиш, булғатмаслик, ҳожатхоналар, қўй, мол ва бошқа жониворлар боқиладиган жойларни озода сақлаш, майда замбуруғларга қарши дорилардан фойдаланиш, дори камчил бўлган ҳолларда оддий ўтин кулидан фойдаланиш борасидаги ишлари, шарт-шароитдан келиб чиқиб тозаликка, санитария-гигиена қоидаларига риоя этишлари тортди.

Дарвоқе, сўзимизнинг бошида «Чимён» сиҳатгоҳида бўлиб ўтган халқаро семинар ҳақида айтиб ўтган эдик. Ушбу анжуманда ЮНИСЕФ вакиллари, АҚШ, Туркия, Югославия, Шотландия ва Япония каби мамлакатлардан келган олим ва мутахассислар, Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистондан делегация аъзолари ва Туркманистон вакиллари қатнашишди. Тадбир очилишида халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Р.Аҳлиддинов, вилоят ҳокимининг ўринбосари Г.Маъруфова иштирок этдилар. Р.Аҳлиддинов Республикамизда эълон қилинган «Оналар ва болалар» йили муносабати билан Республикамиз маорифи жабҳасида амалга оширилаётган тадбирлар, айниқса болаларнинг илк ёшидан ривожланиши борасида ЮНИСЕФ томонидан кўрсатилаётган ёрдам, муҳими бу мавзудаги семинарнинг Ўзбекистон учун катта аҳамиятга эга эканлиги хусусида атрофлича фикр юритди. ЮНИСЕФнинг Қозоғистон ва Ўрта Осиё республикалари бўйича регионал вакили вазифасини бажарувчи Саймон Страхан, шу ташкилотнинг МДҲ давлатлари ва хорижий мамлакатларнинг вакиллари, яъни консультант ва экспертлари Нурпер Улкуер, Тарек Хуссейн, Касси Ландерс, Селим Илтус, Экрем Дузен, Нильгун Айдоган, Джозеф Хант, Ники Абрашмянян, Анна-Мариялар сўзга чиқиб, болаларнинг илк ёшдан парваришлаш, саломатлигини муҳофоза қилиш, овқатлантириш, тарбия беришда унинг қандай жиҳатларига эътиборни қаратиш, бунда оила ва жамиятнинг ўрни муҳим эканлиги хусусида ҳамда анжуманнинг олдига қўйилган муҳим вазифалар хусусида алоҳида тўхталдилар.

Анжуман қизғин баҳс ва мунозарали тарзда ўтди. Келтирилган маълумотларга кўра бир йилда 129 млн. атрофида бола дунёга келади. 1 млн. бола турли ноўмалум сабабларга кўра нобуд бўлади. Бугунги кунда ер юзида 500 млн. бола моддий қийинчилик шароитида яна 500 млн. болалар уруш ва турли хавф-хатарлар остида яшамоқда. Ҳар йили 13 млн. бола СПИД да бошқа хавфли касалликлар таъсирида қурбон бўлмоқда. Ваҳоланки, дунёга келган ҳар бир гўдак, шу ондан бошлаб турли нохушликлардан ҳимояланиши, яхши шароитда улғайиб, соғлом ва бақувват ўсиш, ривожланиш ҳуқуқига эга.

Дунё аҳамиятига эга бўлган бу халқаро семинар олдига улкан ва долзарб вазифалар қўйилган. Хўш, бу нималарда ифодаланади? Аввало, болаларни илк ёшидан тўғри парваришлаш ва тарбиялашга қаратилган режалар ҳақидаги тавсия, ахборот ва маълумотларни кўпайтириш, ишлаб чиқиладиган лойиҳа ва концепцияларни кишилар онгига етказиш ҳамда уларни амалга ошириш ва бу борада турли мамлакатларда муваффақиятли қўлланилаётган усул ва услубларни ўрганиш, уларни кенг оммалаштириш ҳар бир республика учун интеграциялашган дастур ва режалар тузишга ёрдамлашишда ўз ифодасини топади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, семинарда ўрганишга, уни амалда тадбиқ этишга арзийдиган ибратомуз жиҳатлар қизғин баҳс, мунозаралар ўтказишди, ўзаро тажриба алмашишди.

Ойимнинг катта ва менинг кичик аксим

СЎРАНГ, БИЛИБ ОЛИНГ!

Ёшига доир пенсияни ҳисоблашда исталган 5 йил олинар экан, ногиронларга ҳам 5 йилликни ҳисобга оладими ёки имтиёз борми?

Т.Бердиев
Қашқадарё вилояти.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунига асосан пенсияларнинг барча турларини ҳисоблашда исталган 5 йиллик иш ҳақи ҳисобга олинади.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси лавозимида ишлаётган пенсионерларнинг пенсия тўлиқ тўланадими?

Д.Ҳалилов
Фарғона вилояти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ, пенсия олувчи барча маҳалла фуқаролар йиғини раисларига 1998 йил 1 майдан бошлаб пенсия 100 фоиз миқдорида тўланади.

ҒАРОЙИБ СОЛИҚ

Испанияга қарашли Балеар оролларига келувчи сайёҳлар бундан буён қуёш солиғи тўлайдиган бўлишади. Ана шу йиғим орқали курорт раҳбарлари у ернинг экологик ҳолатини яхшилаш ниятидалар. Сайёҳлар қуёш нури остида сайр қилганлари учун кунига бир евро тўлайдилар. Ҳисоб-китобларга қараганда шу йўл орқали йилига 70 млн. доллар тўплаш мумкин экан. Бу пуллар пляж ва қирғоқларни тартибга келтириш, шунингдек, сайёҳлар қолдириб кетган аҳлатни тозалашга сарфланиши кўзда тутилмоқда.

Бу кетишда одамлар ёмғир учун ҳам солиқ тўлайдиганга ўхшайди.

Қибрай туманига қарашли Қибрай шаҳарчаси пойтахтга энг яқин жойлардан бири. Улар шу ерда яшаб одамлар яшаш тарзидаги камчиликларни ҳамма қатори кўриб-билиб юришарди. Ҳа, ахир бу ҳаётда, уни бекаму кўст қилиш қийин. Лекин ўз яшаш жойлари яқинида 6 сотих ернинг негадир бўш, яна бунинг устига ташландиқ ҳолда ётиши сабабини тушунишмасди. Ахир шаҳарчада яшаш жойи учун ер сўраганлар ҳам кам эмас-ку.

Одатга кўра ортиқча қизиқувчанликни хуш кўрмаса-да, Дамир ака нима бўлди-ю, маҳалла оқсоқолидан бу ернинг бу аҳволда ётиши сабабини сўради. Маълум бўлишича, бу жой Усмон Юсупов номли маҳалла фуқаролар йиғини идораси учун ажратилган бўлиб, уни қуришга ҳали бери маҳалланинг қурби келмай турган экан. Қайсидир йиғинда, эсида йўқ, «Мен шу ерда маҳалла учун идора қуриб бersам-чи» деб қўйди Дамир ака.

- Ушбу ерда бинони битказиб, ишга туширгунимизча икки йил ўтди, - дейди Фарида опа. - Шу иккй йилнинг мароқли ташвиши, бинонинг битишини кутиб ўтказган дамларимиз гўёки ўнлаб йилларга татигулик.

Тўғриси, Фарида опа бу ташвишларни мароқли деяптию, аслида бунинг ортида ҳар хил ташвишлар ётибди. Ваъда берилганидан кейин бир неча ой ўтибоқ оқсоқолнинг Дамир акага рўбарў келганда иш қачон бошланади, деб сўраган пайтдаги мўлзамлик, иш бошланганда, давом этаётганда ёлланган қурувчиларнинг уларнинг ҳар иккиси ҳам ишда бўлганлиги боис нонуштасиз қолиб, хафа бўлиши... Йўқ, йўқ барибир мароқли экан бу ташвишлар.XXI аср илк баҳорнинг илк кунларида уч хонадан иборат бино ва атрофи чиройли девор билан ўралган ҳовлининг (идора атрофи) тайёр туриши, унинг сумалак сайлида топширилиши бу оиланинг қувончини оширди. Шу куни улар ўз уйларидаги шахсий кутубхонасини ҳам маҳалла идорасига кўчириб олиб келиб, топширишди. Ҳозиргача бу ерда ўтаётган ҳар бир тадбир ҳам улар ташаббуси, жоиз бўлса улар маблағи эвазига бўлаяпти.

Навбатдаги тадбир Халқаро болаларни ҳимоя қилиш ва Оналар ва болалар йили муносабати билан ўтказилди. Одатдагидек, маҳалла болалари совға-саломлар билан сийланди. Энг қизиғи, Дамир ака ва Фарида опалар бу кунги тадбирга кўплаб ижодкорларни, жумладан болаларнинг ва Дамир аканинг севимли қаҳрамонини «Шумбола» - Абдурайим Абдувабаҳобовни болалар билан учрашувга чорлади.

Ч.ЛАТИПОВ.

ТИНИБ ТИНЧИМАГАНЛАР

ДАМИР САЛИМОВНИНГ КУТГАН БАҲОРИ

Ҳа, машҳур кинорежиссёр Дамир Салимовнинг номини билмаганлар кам. Билмаганларга ҳам унинг яратган фильмлари, айниқса «Шумбола»ни эслатса дарров сиз ўша одаммисиз, дея қўлини кўксига қўйиб сўрашишади.

Тўғриси, бу одам учун ва унинг турмуш ўртоғи шарқшунос Фарида Салимова учун Д.Салимов яратган фильмлар олиб келган шон-шуҳрат, обрў-эътибор эл орасида кўкрак кериб юришларига етарли. Шу боисдан ҳам бу оиланинг қуйида биз ҳикоя қилмоқчи бўлган ишларини ўзларини кўрсатиб қўйиш, ёки обрў эътибор орттириш учун деб бўлмайди.

Тарих тилга кирганда

«БОР ДУРУР ТОҒ ИЧИНДА БИР КИШВАР»

Китоб тумани 1926 йилда ташкил топган. Унинг маркази Китоб қўрғони эса 1976 йилда шаҳар мақомини олган. Қашқадарё ва Оқсув дарёнинг туташадиган жойида жойлашган. Китоб тарихини эса минг йиллар қатидан излаш лозим.

Аввало нега Китоб деб аталган? Ҳозирги кунда бу номни турлича изоҳлашади. Рельефига асосланиб арабча кифт ва тожикча об (сув) сўзларининг қўшилишидан ҳосил бўлган деб изоҳлашади. Яъни кифтиоб - икки елкаси сув. Тадқиқотчи олим Т.Нафасов эса ўзининг «Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати» китобида шундай изоҳ берган: Китоб суғдча ном бўлиб Кат + об, яъни сув (дарё) бўйидаги қўрғон.

Машҳур профессор Массон туманда узоқ вақт археологик текширишлар ўтказган. Шунингдек, таниқли тарихчи олим профессор А.Саъдуллаев ҳам бу юрт тарихини ўрганиш борасида илмий изланишлар олиб бормоқда.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, бу юрт тарихи милоддан аввалги 4-2 минг йилликларга бориб тақалмоқда. Искандар Зулқарнайн (Александр Македонский)нинг Марказий Осиёга юриши даврида бу ерда суғдларнинг Навтака давлати мавжуд бўлган. Унинг маркази эса ҳозирги Китобнинг шундоққина ёнбошида Узунқир қишлоғининг ғрнида жойлашган. Археологлар Узунқир харобаларини ўрганиб, бу ер йирик шаҳар бўлганлигини тасдиқлашди.

Зарафшон тоғ тизмаларидан бошланадиган Шурабсой бўйича қадимги Сангиртепа ва Узунқир археологик ёдгорликлари топиб текширилди. Сангиртепа ўрнида Сарой шаклида қурилган катта бир иншоот қолдиқлари аниқлаб ўрганилди. У алоҳида мудофаа деворлари билан ўралган. Олимларнинг хулосаларига кўра 68 гектар майдонни эгаллаган. Узунқир қўрғони қадимги Навтака вилоятининг ҳарбий ва маъмурий маркази бўлган. Узинқир Мароқад - Бактро карвон йўли бўйида жойлашганлиги боис бу ерда ҳунармандчилик ва савдо сотиқ ниҳоятда ривожланган.

Китоб Буюк ипак йўли устида жойлашган. Шунинг учун ҳам шуҳрати йирик савдо ва маданият маскани сифатида узоқ-узоқларга кетган. Тарих шаҳодат беришича, 1469 йил Алишер Навоий Самарқандда яшаган. Шубҳасиз, Алишер Навоий шарқнинг маданият бешикларидан ҳисобланган Самарқанд шаҳрига келиши ва ўз юртига қайтишида Китоб-Шаҳрисабз орқали ўтганлиги эҳтимолдан холи эмас. Балки бу юртда бир неча бор бўлгандир. Асос шуки, шоир ўзининг «Сабъаи сайёр» достонида бу сўлим гўша ҳақида илиқ фикрлар битади:

Бордурур тоғ ичинда бир кишвар,
Кишвар аҳли номин дебон китвар.

Шоир тоғ ичиндаги бир кишвар яъни мамлакат номини Китвар деганда ҳозирги Китобни кўзда тутади. Тадқиқотчи олим Маҳмуд Сатторов бу Кифтвар бўлса керак деган фикрни илгари суради. Кифти шамол, елкасида шамол еладиган шаҳар маъносини англатади. Дарвоқе, Китобнинг географик жойлашиш ўрни, атрофи тоғлар билан ўралганлиги бу фикрни тасдиқлайди.

Ривоятларда ҳақиқатнинг учқуни бор деб айтишади. Китоб ҳақида ҳам турли ривоятлар юради. Самарқандда Улуғбек китобларини яшириш учун келаётган шогирди Али Қушчи Тахтиқорича довонига етгач, «Кел, топ» деган эмиш. Китоб ана шу сўзнинг ўзгарган шакли бўлиши ҳам мумкин дейишади. Шуниси ҳақиқатки, номларнинг барчаси «к» харфи билан бошланган. Унинг кўплари тожикча сўзлар билан ифодаланган.

Бундан шу келиб чиқадики, ушбу заминда ўзбек билан тожик азалдан қонқардош бўлиб яшаб келаётганлигидан далолат беради.

Салоҳиддин ИСОМИДДИНОВ.

«Тафаккур» гулшанидан

Ижтимоий-фалсафий, маънавий-маърифий, рангли безакли нашр «Тафаккур» журналининг навбатдаги - 2001 йилдаги 2-сони ўз ўқувчилари қўлига етди. Журналнинг янги сонида босилган мақолалардан бирдан бир парчани эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Аброр ОДИЛОВ

КАТТА ТЎРА

Ватан озодлигини ҳар бир нарсадан юксак билиб, умрининг охиригача унинг мустақиллиги йўлида курашган мард ва жасур ватандошларимиздан бири халқ ичида «Катта тўра» номи билан машҳур бўлган Абдумалик тўрадир.

Катта тўра (1848 - 1909 йилларда яшаб ўтган) Бухоро амири Саид Музаффарнинг тўнғич ўғли бўлиб, болалигиданоқ тахт валиаҳди деб эълон қилинган эди. Валиаҳд анъанавий қароргоҳи - Карманада беклик лавозимида турган кезлар чор қўшинлари амирлик ҳудудига бостириб кела бошлайди. Амир тўрани салтанат фахри, тожу тахт оройиши бўлмиш Самарқанд шаҳри мудофаасига масъул қилиб юбориш учун шошилинч равишда Карманадан чақиртириб олади. Шаҳар ҳимояси Абдумалик тўра бошчилигидаги ҳарбийларга топширилади. Лекин Самарқанд ҳокими Шерали Иноқнинг жоҳиллиги ва калтабинлиги туфайли улар ўртасидаги муносабат кескинлашади. Амир диний айирмачи, мазҳабпараст Шерали Иноқнинг гапига кириб, тўранинг ватанпарварлик шижоатини ҳокимиятга интилиш деб тушунади ва уни Ғузорга жўнатиб юборади.

Чор Россияси қўшинлари тажовузи кучайгани сари халқнинг уларга нисбатан қаршилиги ҳам авж ола бошлади. Амир эса ўз атрофида ҳақиқий курашчиларни бирлаштира олмади, аксинча, аксарият ҳолларда уларнинг бирлашишига тўсқинлик қилди. Давлат мустақиллигини сақлаб қолиш учун фидоийлик кўрсатганларни душман деб билди. Амирдан умид йўқлигини тушунган ватанпарвар кучлар охироқибатда унинг ўғли Абдумалик тўра атрофида бирлаша бошлади. 1868 йилнинг баҳоридан бошлаб тўранинг қароргоҳи бўлмиш Ғузор беклигига ҳурлик тарафдорлари ҳар томондан ёғилиб кела бошлайди. Абдумалик тўра катта қўшин билан рус босқинчиларига қарши бош кўтарган Самарқанд шаҳри аҳолисига ёрдамга келади. Амир эса ўз давлати оғир аҳволда турганига қарамай, тўранинг қўшини ичида иғво ва бўҳтон тарқатиш, уни ичдан емиришга ҳаракат қилади. Бунинг натижасида тўра Самарқанддан чекинишга мажбур бўлади. Шубҳасизки, бундай пайтда душман қўли ғолиб келиб, амирлик мағлубиятга учрайди. 1868 йил 23 июнда Бухоро амирлиги ва Россия империяси ўртасида сулҳ шартномасига кўра, амирлик қарам ўлкага айланиб қолади.

Абдумалик тўра бошчилигидаги миллий озодлик ҳаракати ана шу сулҳ тузилганидан сўнг янада кучаяди.

Хусусан, 1868 йилнинг баҳорида қароргоҳи - Ғузор беклигида шундай баёнот берган (Мирза Абдулазим Сомий. Тарихи салотини мангития. Москва, ИВЛ. 1962 йил, 82-83 бетлар. Абдумалик тўра ҳаётига оид тарихий далиллар бундан кейин ҳам ушбу манба асосида келтирилади - А.О.). Амир қандай қилиб бўлмасин, ўғлини сиёсат майдонидан четлатиш, уни тахтдан маҳрум этиш ҳақида қаттиқ бош қотира бошлайди. У ўғлини маҳв этиш мақсадида Ғузор яқинига келиб тўхтайди. Лекин Абдумалик тўрани қўлга тушириш режаси амалга ошмайди. Тўрага хайрихоҳ бўлган беклар уни амир чангалидан сақлаб қолади. Тўранинг қўлдан чиқиб кетиши амирни ниҳоятда ғазаблантиради. У Китоб беги Ўрабек, Шаҳрисабз беги Бобобекка Абдумалик тўрани тутиб беришни сўраб мурожаат қилади. Амир ўғлига қарши курашаётган бир пайтда пойтахт яқинида тўранинг иттифоқчиси Содиқ ўз гуруҳи билан пайдо бўлиб, Кармана ва Хатирчини эгаллайди. Косон, Қарши, Ғу зор каби бекликларда Абдумалик яна ўз ҳокимиятини тиклайди. Баъзи манбааларнинг гувоҳлик беришича, Шаҳрисабз Оқсаройида Абдумаликни Бухоро амири деб ҳам эълон қилади. У Қарши шаҳрини ўзига марказ қилиб олиб, атрофига ватанпарвар кучларни тўплай бошлайди. Абдумалик тўра 1868 йил июл-август ойларида амирлик ҳудудидаги халқ тан олган ягона курашчи раҳбарга алоҳида хонлик барпо этиш борасида генерал-губернатор Кауфман билан музокаралар олиб борган амирнинг жияни Саид Абдуллахон ҳам тўра қўшинига келиб қўшилади.

Хуллас, жойларда чор аскарлари томонидан босиб олинган ерларни қайтариб олиш, истилочиларни мамлакатдан ҳайдаб чиқариш, сулҳни бекор этиш, ношуд амирни ҳокимиятдан олиб ташлашга доир норозилик ҳаракатлари жуда кучайиб кетади. Карманани эгаллаган Содиқ, Хатирчидаги Назар, унга қўшилган Оллоёр қоровулбеги, Абдулғаффорбеклар бошлиқ кучлар дадиллик билан рус қўшинига қарши курашга отланади. Тўранинг кўрсатмаси билан туркманларнинг эрсари қабиласи аскарлари доимий равишда амирлик чегараларига ҳужум қилиб туради. Рус ҳарбийлари ўйлаган режа амалга ошмайди. Улар тўрани эмас, балки тўра уларни қуршовга солиб қўя бошлайди.

Аммо катта ҳарбий тайёргарлик оқибати ўлароқ қўзғолонлар тор-мор этилади. Шундан сўнг Абдумалик тўра бирмунча вақт Қашқар ҳокими Ёқуббек ҳузурида хизмат қилади. Ёқуббек унга катта иззат-икром кўрсатиб, ўзига куёв қилиб олади ва 40 минг кишилик қўшинга лашкарбоши этиб тайинлайди. Тўра Қашқарда то 1877 йилга қадар истиқомат қилади. Шу вақтда у Ёқуббекнинг ёрдамида туркия ва Англия билан муносабат ўрнатади. Инглиз элчиси Форсайт билан ҳам учрашади. Ёқуббек давлати Хитой томонидан ишғол қилинганидан сўнг Абдумалик тўра иттифоқчи излаб бир қанча мусулмон мамлакатларига йўл олади. Охир-оқибатда Буюк Британия тасарруфидаги Ҳиндистонда қўним топади. Абдумалик тўра кучли давлатларнинг ёрдами ва ҳимоясига муҳтож эди. Адбатта, Англия-

нинг ҳам бу борада ўзига яраша ғаразли ниятлари бор бўлиб, аввало, ўз манфаатларини ўйлаши турган гап эди.

1885 йили, амир Музаффарнинг ўлими арафасида у яна бир бор Бухорода ҳокимиятни қўлга киритишга уриниб кўради. Бу масала юзасидан ёрдам сўраб Буюк Британияга мурожаат қилади. 1886 йилнинг май ойида эса Калькуттада бир қанча туркистонлик мухолиф кучлар вакиллари сафида инглиз қироличасининг махсус элчиси билан музокаралар ҳам олиб боради. Шунингдек, ўша пайтда, афғон амири Абдураҳмон ҳам Абдумалик тўрага хайрихоҳлигини билдиради.

Туркистондаги чор маъмуриятни тўра ҳокимиятни эгаллашидан қаттиқ ташвишланар эди. Шунинг учун тўранинг чет элдаги фаолияти ва амирликда унга хайрихоҳ бўлган шахслар устидан қаттиқ назорат ўрнатилади. Чор маъмурияти ғалаён кучаймаслиги учун амирнинг бошқа бир ўғли - Абдулаҳадхонни тезлик билан тахтга ўтқазади. Лекин, сиёсий ва бошқа сабабларга кўра, Абдумалик тўра хориждан амалий ёрдам ололмайди. Шундан кейин ватан ишқида ўртаниб, хорижда муқим яшаб қолади. 1909 йили 61 ёшда Пешоварда вафот этади.

Муаллиф - **АБУЛ -ҚОДИР (Абдулқодир Ҳайитметов)** адабиётшуносликда катта ҳисса қўшиб келаётган олим. Ушбу кунларда у 75 ёшга тўлди. Таҳririятимиз номидан қутлуғ ёш муборак бўлсин деймиз.

Қўй ҳақида баллада

**Йўлим тушди бир баҳор чоғи
Машҳур Қарши чўллари томон.
Кўринмасди йўлнинг адоғи,
Машинамиз борарди чаққон.**

**Йўл бошловчи ҳамроҳим камгап.
Лекин сергап эди ҳайдовчи.
Бу ерларнинг тарихин билар;
Шу йўлларда оқарган сочи.**

**Йўл юрсак ҳам мўл юриб, чошгоҳ -
Етиб келдик керак манзилга.
Жамоанинг дала маркази.
Раҳбарлари танилган элга.**

**Биз келгандик бу жамоага
Газетага маълумот учун.
Муддаомиз - тез иш битказиш.
Қайтсак дердик, - йўл юрмай кечин.**

**Бироқ режа битта гап билан
Чаппасига ўзгарди бирдан.
Раис деди: - «Ҳамма нарсани -
Ёзинг, - кўриб кўзингиз билан.**

**...Тушдан кейин бошланди суҳбат.
Давом этди дала-тузларда.
Қайтдик ҳориб кун ботар пайти.
Одамлар кўп сўрида, ерда.**

**Савлат тўкиб шоҳ кўрпачада
Ўлтирарди бир кекса чўпон.
Тизилишдик унинг ёнига.
Бир ҳодиса юз берди шу он.**

**Бир қўчқорни сўймоқчи қассоб.
Қўчқор-бўйдор ва шохдору, аммо -
У турарди беписанд, мағрур.
Шунда дедим мен: «-Воажабо.**

**Қойилдурман бу жониворнинг
Довюрак ва қўрқмаслигига,
Парво қилмай қассоб акамнинг
На пичоқ, на чапдастлигига.»**

**Бу гапимга мўйсафид чўпон
«Боракаллоҳ. - деди, - укажон.
Сўзни топиб айтдингиз. Чунки -
Қўй ўлимдан қўрқмас ҳеч қачон.**

**Биласизми, - у недан қўрқар?
У қўрқади ҳаром ўлишдан.
Ёғ-гўштлари сасиб, бир четда
Оёқ ости бўлиб қолишдан».**

**Уринмоқда кимдир овқатга.
Кимдир ташир чой. Суҳбат эса, -
Тўхтамасдан этади давом.
Мазмунига йўқ муқояса.**

**Шунда дедим мен Отахонга:
«- Агар сизни қийнаб қўймасам,
Сўзлаб беринг, нени билсангиз, -
Бу ерларнинг тарихидан ҳам».**

**Қария дер: - «Ҳеч айби йўқдир, -
Чўл мақтанса янтоғи билан.
Ёзилгандир бу чўл тарихи
Темур отин туёғи билан.**

**Мен тарихчи эмасман. Бироқ -
Қўйдан сўранг, - сўзлай тонггача.
Умрим менинг қўй билан ўтди.
Қўйга меҳрим бордир дунёча.**

**Ер юзида етти мўъжиза -
Бўлса, унинг бири шу қўйдир.
Инсон учун жаннатдан келган.
Шу сабабдан гўзал, хушбўйдир.**

**Шу тахлитда гап борар экан,
Димлама ҳам, кабоб ҳам пишди.
Тортиларкан ҳушбўй таомлар,
Кайфиятга кайфият қўшди.**

**Илҳомланиб Ота сўзидан,
Шундай деди раис бобо ҳам:
- «Билингизки, шу қўй туфайли
Халқимизнинг илиги маҳкам.**

**Бўлмаса қўй ва қўйбоқарлар,
Бу ерларда яшаб нетардик.
Бўлмаса гар қўйга эътиқод,
Бу ерлардан кўчиб кетардик.**

**Ширин таом сабабчилари -
Омон бўлсин қўйлар, чўпонлар.
Тўла етсин муродларига
Бизни йўқлаб келган меҳмонлар.»**

**Якунланди меҳмондорчилик
Шундай илиқ ва тантанавор.
Учрашувни ҳеч ўйламовдим -
Бўлади деб бунча мазмундор.**

**Эртасига қайтдик шаҳарга.
Дилда меҳри дўстлар диёрин.
Инсон бағри қанча кенг, - шунча -
Қозонаркан эл ифтихорин.**

Йилнинг иккинчи ярмига обуна давом этмоқда. Кечикилган ҳар бир кун сизни бир ой газетадан маҳрум қилиши мумкин.



ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета 148 Нашр индекси

MAHALLA

Обуна сони

2001 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга (Фамилияси, исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

Нашрга етказиш варақаси

п.в Жойи

148 Нашр индекси

MAHALLA

Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоси	сўм	обуна сони
	Баҳоси	сўм	

2001 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

АБОНЕНТЛИК ВАРАҚАНИ ТЎҒРИ ТЎЛҒАЗИШНИ УНУТМАНГ!

ОЛАМ ТЎРФА

СВЕТОФОРНИНГ САРИҚ ЧИРОҒИ БЎЛИШИ ШАРТМИ?

«Светофорнинг сариқ чироғи йўл ҳаракатини мураккаблаштиради. Унга амал қилиш вақтни бекорга совуришдан бошқа нарса эмас». Ким учундир тўғри ва ким учундир ҳазиломуз туюлган бу фикр Истанбул туманларидан бирининг раҳбари Юксел Айханга тегишли. Унинг айтишича, йўл ҳаракатининг жорий қоидаларига ўзгартиришлар киритилиши, чорраҳада ҳаракат фақат қизил ва яшил чироғи бўлган светофор ёрдамида тартибга солиниши лозим.

Ю.Айханнинг бу ғояси Истанбул таксичиларига жуда маъқул тушди. Уларнинг бири сариқ чироққа шундоқ ҳам ҳеч ким амал қилмаслигини айтса, чорраҳада машина йиғилиб қолишида светофорни айблаб, яна бир-икки белги бекор қилиниши лозимлигини таъкидламоқда.

Турк мегаполиси таксичиларини тушунса бўлади. Бунинг учун статистик маълумотларни кўриб чиқишнинг ўзи кифоя. 10 миллион турк ҳайдовчисидан атиги 50 мингга яқини йўлбелгиларига тушунади, холос. Шунинг учун бўлса керак, ҳайдовчиларнинг 7 миллионга яқини йўл ҳаракати қоидаларини доимий равишда бузади.

«УЙЛАНСАММИ ЙЎҚМИ?!»

Австрияликлар бу ўта мураккаб масалада бир қарорга келишга шошилмайдиган бўлиб қолган. Статистик маълумотларга кўра, мамлакатда никоҳлар сони ўттан йилгига қараганда 0,7 фоизкамайган.

Умуман, Австрияда турмуш қуриш борасида антиқа маълумотлар қайд этилган. Ўтган йил энг қари куёв 94, энг қари келин эса 92 ёшда бўлган. Ҳақиқий никоҳ ҳаётда бир маротабабўлади, дейишади. Лекин кўпчилик келин-куёвлар учун бу оддий ҳолга айланиб қолган. Улар, ҳатто, нечанчи бор никоҳдан ўтаётгани ва неча бор турмуш ўртоғига содиқ қолишга қасамёдқилганини эслашга ҳам қийналиб қолмоқда. Ўтган йили 8 марта уйланган куёв ва 9 марта эрга теккан келин «мутлақ рекордчи» бўлди.

Муҳаббат ёш танламаслиги - ҳақиқат. Шунинг учун на ёш ва на ёшлар орасидаги фарқ турмуш қуришга тўсқинлик қила олади. Австрияда бу борада ҳам ўзига хос рекорд қайд этилган. Ўтганйили турмуш қурган куёвлардан бири ўз ёридан 54 ёш катта бўлса, келинлардан бири куёвдан 49 ёшга улуғ бўлган.

ПАРАВОЗЛАР ҚАЙТА ҲАЁТ БОШЛАДИ

Руминия миллий темир йўл компанияси чорак аср олдин фойдаланишдан чиқарилган паровозларни қаерга сиғдиришни билмай боши қотаётган эди. Яқинда компания бу масалага ечим бўладиганжуда фойдали шартнома тузишга эришди.

Компания мамлакат зҳира йўлларида занглаб ётган икки локомотивни германиялик коллекционер Мануел Юссенга металл парчаси нархида (1 тоннаси - 250 марка) сотиб юборди. КейинАвстриядан ҳам паравоз ишқибозлари чиқиб қолди. Шундай қилиб, қачонлардан буён занглаб, қаровсиз ётган эски локомотивлар бозори чаққон молга айланишини хаёлига ҳам келтирмаган Руминиямиллий темир йўл компанияси ҳозиргача 16 локомотивни сотишга муваффақ бўлди.

Немис коллекционерларининг паровозларга қизиқиб қолганига сабаб шуки, улар 30-йилларда Германияда ишлаб чиқарилган.

Руминия деполарида ҳароб бўлиб ётган паровозлар энди Германияда қайта ҳаёт бошлайди. Улар Германия музейлари ёки немис коллекционерларининг қадрли экспонатига айланади.

А.ҲАКИМОВ чизган

ЭР: Кўчада

Уйда

MAHALLA

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Шуҳрат ЖАЛИЛОВ,
Иброҳим РАҲИМ,
Расул РАҲМОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Рустам ҚОСИМОВ.

Масъул котиб:
Аслиддин БЎРИЕВ

Навбатчи:
Олим БЕГАЛИЕВ

Саҳифаловчи
А. ЮЛДАШЕВ

Газета таҳririят компьютерида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди.
А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

Буюртма Г-2437

Топширилди—20.30